

ПОРНОГРАФИЯ ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ЖАВОБГАРЛИК

Хасанова Юлдуз

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-босқич 301-гуруҳ курсанти

Илмий Рахбар: Эргашов Шерали Турсуналиевич

Аннотация: мақолада порнография тушунчасининг шаклланиши, тарихий ривожланиши босқичлари ҳамда унга нисбатан турли давлатларда қўлланилган ҳуқуқий ёндашувлар таҳлил қилинган. Тадқиқотда порнографиянинг ижтимоий-маданий мазмуни, уни баҳолаш мезонларининг даврий ўзгариши, шунингдек, ахлоқ, тарбия ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш механизмлари ёритилган. Бундан ташқари мамлакатимиз ҳамда илғор хорижий давлатлар қонунчилигида порнографик материаллар билан боғлиқ жавобгарликнинг шакллари ва замонавий рақамли технологиялар шароитида юзага келаётган муаммолар ёритилган. Изланишлар натижалари ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарурати ва жамиятни ҳимоя қилишга қаратилган ёндашувларнинг ўрни тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон беради.

Калит сўзлар: Порнография, эротика, ахлоқ, сензура, ҳуқуқий тартибга солиш, жавобгарлик, ахборот хавфсизлиги, вояга етмаганларни ҳимоя қилиш.

“Хар бир дақиқани ганимат билиб, ижодкорлик ва ватанга меҳр билан яшанг”

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев

2024 йил 30-ийунь Ёшлар билан учрашуви нутқидан

Ахборот технологияларини ривожланиши инсониятга катта имкониятлар яратди, бироқ бу жараён билан бирга маънавий ва ахлоқий муаммолар ҳам пайдо бўлди. Шулардан бири – порнография. Ушбу ҳолатни ҳуқуқбузарлик ёки жиноят деб баҳолаш ва унга қарши жавобгарлик хусусида фикр юритишидан аввал порнография тушунчаси ва шаклланиш илдиэларига тўхталиб ўтсак.

Порнография (юнонча, “порне”- фахш ва “графо”- ёзаман) сўзлари бирикмаси иборат бўлиб, томошабин хирсини уйғотиш мақсадида жинсий орган ёки жинсий алоқани тасвирлашдир. Бу атама илк бор қўлланган сана маълум эмас, аммо шу сўз топилган энг қадимги қўлёзма эрамизнинг 3 асрида Афинанинг Деипноспахисте асарида порнографхос, яни “кимдир фохишалар хақида ёзади” маъносида қўлланган. Порнография атамасининг таърифлари

хилма-хил бўлиб, академик тадқиқодчилар асосан истеъмолчида жинсий хиссиётларни кўзғалаишига ёрдам бериш учун мўлжалланган ва “хамма иштирок этган шахсларнинг розилиги” билан яратилган ва тижоратлаштирилган “расм, видео ва матн” кўринишидаги жинсий мавзудаги материал сифатида таърифланаган.

Порнография таърифи субъектив бўлганлиги сабабли, унинг аниқ тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Порнография тарихчилар томонидан мураккаб маданий шаклланиш сифатида қаралади ҳамда Хохле Фелс Венера асари Порнографиянинг энг қадимги наъмунаси. У тахминан 6 см баландликда ва момонтфил суягидан ўйиб ишланаган бўлиб, Германиянинг Штутгард яқинидаги ғордан топилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замонавий порнография сўзи 1842-йилда франсузча “порнографхио” сўзи орқали кириб келган. “Порн” атамаси порнографиянинг қисқартма шаклидир. Бу атама Webster луғатида “алоҳида расм”, Оксфорд инглизча луғатида эса “одобсиз расм, одобсиз нарсаларнинг тавсифи, одобсиз нашр” сифатида ифодаланади.

Порнографиянинг тарихи инсоният маданиятининг энг қадимги қатламларига бориб тақалади, бироқ унинг мазмуни ва мақсади вақт ўтиши билан кескин ўзгарган. Жумладан, Қадимги Юнонистон, Рим, Хиндистон ва Шарқ маданиятларида инсон танаси тасвири ва эротик сахналар санъатининг бир бўлаги сифатида мавжуд бўлган. Помпеи девори расмларида ёки хиндларнинг “Кама Сутра” асарида жинсий хаёт тасвирлари учрайди, лекин улар порнография эмас – санъат, диний маросим ёки маърифий мақсадга йўналтирилган. Ўрта асрларда диний институтлар фаолияти кучайиши билан бундай тасвирлар тақиқлана бошлади, Европада қатъий цензурадан ўтмаган барча жинсий мазмундаги материаллар жазога сабаб бўлган. XV-XVI асрларда матбаанинг жорий этилиши билан кўпол мазмундаги китоблар тез тарқала бошлади, бу давр биринчи оммавий “порнографик нашрлар” ни пайдо бўлишга олиб келди. 1830-1900 йилларда фотоаппарат ва кейинроқ кинонинг ихтиро қилиниши билан порнография янги шакл олди. Дастлаб бу материаллар яширинча тарқатилган, кўплаб давлатларда полиция рейдлари орқали мусодара қилинган. 1990-йилларда бошлаб интернет порнографияни глобал чексиз ва назоратсиз тарқаладиган ходисага айлантirdи. Шу билан бирга болалар порнографияси, эксплуатация, кибертаъқиб каби жинсий фаолиятлар кучайгани сабабли Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, кўплаб давлатларда ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш механизми жорий этилди.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, порнография махсулоти – бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир бўлган ёки шунга ўхшатишган жинсий алоқанинг

тавсифини ёхуд фото, видео тасвирни ёки бошқа тасвирни ўз ичига олган материаллар ва нарсалардир. Ўзбекистонда порнография масаласи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда 189, 189(1)-моддалари ва Жиноят кодексда 130-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгардик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида (2012-йилнинг 13-апрелидан кучга кирган) қатъий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган. Қонун одоб-ахлоққа қарши жиноятлар ва Қонунбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш воситасида жиноят ва Маъмурий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, зўравонликни, шафқатсизликни ва порнографияни тарғиб қилувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Ушбу қонунга кўра, порнографик маҳсулотни маҳсулотни тарқатиш,реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш,намоёиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорида жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли ретсидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнография маҳсулотини тарқатиш, реклама қилиш, намоёишэтиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш , реклама қилиш, намоёиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш , 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, порнографик маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш,реклама қилиш ва намоёиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқороларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача , мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш,реклама қилиш,намоёиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш , худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни , шунингдек, уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқороларга энг кам ойлик иш ҳақининг

эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Бугунги рақамли технологиялар ривожланган ва интернетсиз фаолият юритаётган бирор соҳа мавжуд эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, порнография ҳам асосан виртуал оламда кенг ёйилган. У билан боғлиқ барча жараёнлар интернет орқали амалга оширилмоқда ва авж олмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, Интернет ахборот сайтларидан ушбу турдаги махсулотларни юклаб олиш харакатини ҳам порнографик махсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш билан баҳоланади.

Янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” қонуннинг 6-моддасига кўра оммавий ахборот воситаларидан порнографияни тарғиб қилиш тақиқланади.

“Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини таййорлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида , шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга дават қилувчи , уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шани ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Порнография салбий тасирларига тўхталадиган бўлсак, аввало вояга етмаганлар учун психологик ривожланиш даврида бундай материаллар рухий мувозанатни бузиши, нотўғри тасаввурлар шаклланишига олиб келиши мумкин, психологлар эса хаддан зиёда порнография истеъмли муносабатларда совуқлик, қарамлик, реал муносабатларга қизиқиш пасайиши каби ҳолатларни кучайтириши мумкинлигини таъкидлайди. Айрим тадқиқотлар сексуалликни эксплуатация қилувчи контент зўравон хатти-харакатни рағбатлантириши ёки унга мойилликни кучайтириши мумкинлигига ишора қилади. Шунингдек, кўплаб порнографик сайтлар зарарли дастурлар, пхишинг, шахсий маълумотларни ўғирлаш каби хавфларни ўз ичига олади.

Дунё мамлакатлари порнография масаласида уч асосий ёндашувдан фойдаланади:

1. Эркин ёндашув – порнографияни чекламасдан, фақат болалар порнографиясини қатъий тақиқлаш (*масалан, Нидерландия, Дания, Чехия*).

2. Чекланган эркинлик – катталар учун айрим шаклларида рухсат берилиши, аммо тарқатиш, реклама қилиш ёки оммавий кўрсатишга чекловлар қўйилиши (*Германия, Австрия, Жанубий Корея*).

3. Тўлиқ тақиқ – порнографиянинг деярли барча шакллари қонун билан тақиқланаган (Ўзбекистон, Саудия Арабистон, Покистон).

ХУЛОСА

Юқорида юритилган тадқиқот порнография тушунчасининг тарихий илдизлари жамиятнинг ахлоқий қарашлари, маданий қадриятлари ва технологик ривожланиши билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади. Турли даврларда унга нисбатан ёндашувлар кескин фарқланган бўлса-да, замонавий ҳуқуқий тизимларда асосий этибор жамият, айниқса вояга етмагнлар манфаатини химоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар қонунчилиги тахлили шуни кўрсатадики, порнографик материаллар билан боғлиқ жавобгарлик, айниқса, интернет мухитида комплекс ёндашувни талаб қилади. Рақамли платформаларнинг кенгайиши Б анономик ҳамда трансчегаравий ахборот оқими мавжуд нормаларни янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш механизмларини кучайтириш ва профилактик чораларни ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди. Шундай қилиб муаммонинг ҳуқуқий ечими фақат жазолаш эмас, балки ахборот маданиятини ошириш, ёшларни химоя қилиш ва технологик назорат воситаларини такомиллаштириш орқали амалга ошириш лозим.

Порнография – қадимий илдизларга эга бўлган, аммо замонавий технологиялар туфайли глобал муаммога айланган ходиса. Унинг жамиятга, айниқса ёшлар онгига таъсири сабабли кўплаб давлатлар уни тартибга солишни зарур деб билади. Халқаро тажриба эса порнографиянинг эркин муомалада бўлиши билан тўлиқ тақиқланиши ораида кенг спектр мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда эса маънавиятни, ёшлар тарбиясини ва ахборот хавфсизлигини устувор қўйган ҳолда ушбу схани катъий ҳуқуқий назоратга олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2003.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2010.
6. United Nations. Convention on the Rights of the Child. New York, 1989.

7. United Nations. Optional Protocol on the Sale of Children, Child Prostitution and Child Pornography. New York, 2000.
8. Council of Europe. Convention on Cybercrime (Budapest Convention). Budapest, 2001.
9. Walter Kendrick. *The Secret Museum: Pornography in Modern Culture.* – Berkeley: University of California Press, 1987.
10. Catharine A. MacKinnon. *Only Words.* – Cambridge: Harvard University Press, 1993.

